

Уларга шириңсұханлик ва меҳрибонлик билан мұомала қилиш

Мұттағақун алайх бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг гўзал ахлоқлиси эдилар. Менинг Абу Умайр деган эндигина эсини таний бошлаган кичкина укам бор эди. (Унинг “Нуғайр” деган бир қушчаси бор эди, ўлиб қолди.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизниги келгандарида уни кўриб қолсалар: «Эй Абу Умайр, не бўлди Нуғайр,» деб эркалатиб қўяр эдилар.

Имом Абу Довуд ривоят қилған ҳадисда Бурайда розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба қилиб турган эдилар. Неваралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумо қизил кўйлак кийишиб олган ҳолда қоқилиб туриб, қоқилиб туриб, чиқиб келдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам



минбардан тушдилар-да, уларни кўтариб олиб яна минбарга чиқдилар, сўнг: Аллоҳ таоло: «**Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола чақаларингиз фақат бир фитна - имтиҳондир, холос**» деб тўғри айтади. Мен буларни кўриб сабр қилолмадим», дедилар-да, сўнг яна хутбада давом этдилар.

Уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш ва ёш бола бўлсалар-да, ҳақларини бериш

Муттафакун алайҳ бўлган ҳадисда Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ичимлик келтирилди. Ундан ичдилар. Ўнг ёнларида ёш бола, чап ёнларида катта ёшли саҳобалар бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болага қараб: «Уларга беришимга изн берасанми?», дедилар. Бола: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга қасамки, сиздан кейинги навбатимни бирон кишига беролмайман», деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ичимликни унинг қўлига тутқаздилар.

Шарҳ:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёш болалар билан қилган муомалалари бизлар учун ўrnакдир. Зотан биз ҳам



фарзандларимизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг фарзандларига қилган муомалани қилмоғимиз керак. Юқорида зикр қилинган ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болаларга ниҳоятда меҳрибон бўлганликлари яққол кўриниб турибди, ҳатто муҳим бўлган ваъзни бўлиб бўлса ҳам, Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анхумони кўтариб олдилар. Болаларга ҳеч жаҳл қилмас эдилар, балки уларни эркалатиб, чиройли йўл билан тарбиялаб, ҳақларини берар эдилар. Бу муомалалар эса болаларнинг қалбида меҳр ва муҳаббатни пайдо қилас әди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Катталарнинг ёш болалар қалбига шодлик олиб киувчи эркалатишлари динимизда марғуб ишлардан.
2. Кўпчилик олдида бўлса-да, болаларга меҳрибонлик изхор қилиб, қалбларига шодлик киритилади.
3. Ёш болалар иззат-икром қилиниб, ҳақлари берилади, ёш бола-да, деб эътиборсиз кўйилмайди.